



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 10 май, № 91 (4244)

Пайшанба

## ХОТИРА БОҚИЙДИР, ҚАДР — МУҚАДДАС

**Юртбошимиз Ислоҳ Каримов  
ташаббуси билан Хотира ва қадрлаш куни  
деб эълон қилинган 9 Май  
мамлакатимизда кенг нишонланмоқда**



кестр садолари остида Мотамсаро она хайкали пойга гулчамбар қўйди.  
Президентимиз иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Мана шундай улуг кунда ўзининг инсоний бурчини адо этиб, жангу жадалларда ҳалок бўлганлар, бугунгидек тинч ва осойишта кунларга этиб келолмаганлар хотираси олдида ҳамisha бош эгамиз, — деди Ислоҳ Каримов. — Айни пайтда орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди. Уларнинг дуолари эзгу ишларимизда бизга ҳамisha қанот бағишлайди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқининг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида тўхталар экан, қуйидагиларни баён этди:

— Бугун иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 62 йиллик байрами кун, — деди Президентимиз. — Бу ғалаба жаҳон халқлари тарихида, ҳеч шубҳасиз, абадий сақланиб қоладиган улуг санандир. Фашизм балосини ер юзидан сугуриб ташлаш, тинчликпарвар эллар орзиқиб кутган ғалабани таъминлашда бошқа халқлар қатори ўзбек халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида 1,5 миллион нафар ватандошимиз жангга кирган. Юртимизда ўша пайтда қарийб тўрт миллион аҳоли истиқомат қилганини инобатга олинса, бу жуда катта рақамни ташкил этиши аён бўлади. Тўрт юз мингдан зиёд ватандошимиз машъум уруш олови ёнган нуқталарда жон берган. Тахминан 130 минг киши бедарак кетган. Булар халқимиз учун жуда катта йўқотиш эди.

Айни кунга тўлган минглаб йигитларнинг қурбон бўлгани, ногиронлик азобини тортигани тасаввур қилишининг ўзидек ҳар қандай инсон қалбини ларзага келтиради, юракларини изтиробга тўлдирди. Шу ўринда ҳақиқат савол туғилади: бедарак кетганлар кимлар эди? Улар кимнингдир ўғли, отаси, бобоси, суюкли ёри эмас эдимиз? Юрт тинчлиги йўлида жон фидо қилган бундай инсонларнинг номаълум тақдирини бизни доимо ўйга толдиради. Улар ҳақидаги маълумотларни излаб топишимиз, тарихий ҳақиқатни тиклашимиз зарур. Бу иш олим ва зиёвчиларимизнинг шарафли вазифасига айланиши даркор.

Биз фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшганларни улуғла-

шимиз, уларнинг номини абадийлаштиришимиз, бирор кишини ҳам эътиборсиз қолдирмаслигимиз шарт. Айнан мана шундай эзгу максادلари инобатга олиб, мана, саккиз йилдирки, 9 майни юртимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаб келмоқдамиз. Бугун мазкур сана нақадар чуқур маъно ва мазмун касб этиб бораётганини ҳис этиш қийин эмас.

Хотира ва қадр тушунчалари моҳиятан ўзаро боғлиқдир. Зеро, бугунги эркин ва фаровон ҳаётни кўз қорачиғидек асраш билан биргаликда Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойи инсонларни ёдга олиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, сўнмас жасоратини хотирамизда мангу сақлаш, инсоннинг тириклигида қадрга этиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Хотира ва қадрлаш деганда биз орамизда яшаётган инсонларни қадрлаш, асраб-авайлаш, уларнинг ҳаётини, оғирини энгил қилишни назарда тутамиз. Бу икки тушунча, шубҳасиз, инсон ақл-заковатининг бетақрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир.

Инсон ҳаёти абадий эмас, лекин хотира мангу, абадий. Тарихий хотирасиз келажақ йўқ. Утганларини хотирламайдиган халқнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Агар миллат ўзининг келажагини порлоқ кўрмоқчи бўлса, унинг хотираси ҳамisha уйғоқ бўлмоғи шарт. Боиси ҳар қандай халқ ва миллат чағи ҳаётдан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан, тарих синовларидан зарур ҳулоса ва сабақлар чиқармоғи зарур.

Бу санани нишонлашдан мақсад, аввало, ғалабанинг моҳияти ва аҳамиятини, тинчликнинг қандай буюк неъмат эканини яна бир бор чуқур англашдан, одамзодни ҳамisha хушёр бўлишга, теварак-атрофдаги турли хавф-хатарлару бало-қазолардан огоҳликка даъват этишдан иборат бўлмоғи лозим. Инсоният тарихида урушнинг бошқа қайтарилмаслигига, бундай дахшатларни одамзоднинг ҳаётдан бутунлай ўчириб ташлашга даъват этилган тадбир сифатида қабул қилишимиз даркор, деди Юртбошимиз.

Афсуски, дунёнинг турли нуқталарида ҳамон зулм ва зўравонлик ҳукмрон, уруш оловлари ёнмоқда. Жаҳондаги нотинч вазият ва урушлар дунё аҳлини ташвишлантираётгани сир эмас. Минтақамиз ҳам бундай таҳдидлардан холи эмас.

Шу боис халқимиз биз қандай тарихий шароитда, мураккаб замонда яшаётганимизни яхши англаши, вазиятга тўғри баҳо бера олиши керак. Энг муҳими, огоҳлик ва хушёрликни қўлдан бермай, атрофдаги воқеаларга нисбатан бефарқ ва лоқайд бўлмаслик, тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт бунёдкорлари сифатида яшамоғимиз зарур, деди Президентимиз.

Ватанимизни, миллий қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг қадрга етишимиз, уларни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзигини англаб бургани сари уларнинг онгида "Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахрланамиз, биз уларга муносиб бўла олаямизми?" деган тахлийий ёндашув чуқурлашиши, амалда намоён бўлмоғи лозим.

Эртанги кун, ҳеч шубҳасиз, интеллектуал бойликка эга бўлган миллатники, ёшларники, деб таъкидлади Юртбошимиз. Ёш авлодни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш билан бир қаторда уларга замонавий билимларни эгаллашда таянч бўлмоғимиз лозим. Давр бизнинг олдимизга қўётган талабларни билмоқ учун албатта замонавий билим зарур.

Давлатимиз томонидан уруш қатнашчиларига ва фронт ортида меҳнат қилганларга, урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига пенсия ва нафақалардан ташқари ҳар йили турли кўри-нишда ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Уларнинг санаторий ва курортларда даволаниш, протез-ортопедия жиҳозлари, ногиронлар аравачалари ва бошқа тегишли воситалар билан таъминланишига, жамоат транспортини бепул юриш ҳамда коммунал хизматлар буйича компенсациялар олишига катта эътибор берилмоқда.

Доно халқимиз "инсон ганимат" дейди. Дарҳақиқат, биз учун ота-бобамизнинг, фахрийларимизнинг ҳаёти билан афсуски, уруш қатнашчиларининг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бир йил муқаддам жойларда шу кўтулган санани 22 минг 251 нафар уруш қатнашчиси нишонлаган



эди. Бу галги байрамгача уларнинг ўн саккиз мингдан зиёдроғи этиб келди. Қариси бор уйнинг париси бор, дейди халқимиз. Шундай экан, биз қарияларимизни авайлаб-асрашимиз, ўз ҳаётларидан рози бўлиб яшашлари учун қўлдан келганича иззат-икром кўрсатишимиз зарур. Байрамларда қўтлаш билан қифояланмасдан уларни шаҳарларга олиб бориш, бунёдкорлик ишлари билан таништириб, истиқлол берган имкониятлардан завқланишига, бугунги замон билан ўтмишни қийёслашга имкон яратиш зарур.

Бу муқаддас майдон, наинки Хотира ва қадрлаш куни, балки йил бўйи зиёратчилар билан гавжум бўладиган масканга айланган. Кишилар бу ёрга шунчаки томоша ёхуд сайр учун келмайдилар, ўтганларни ёд этадилар. Бу туйғу бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизни, тирикларни қадрлашга даъват этади. Ушбу майдонга келган ҳар бир инсон қалбида шу табарруқ юрт барчамизники, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Шу кун Мотамсаро она хайкали пойи ановий гулларга бурқанди. Юрт озодлиги ва раанқи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қатми қатми қадр узилмади.

Президент Ислоҳ Каримов шу кун пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонига туташ Молия вазирлиги газначилигининг янги биноси билан танишди.

Норали ОЧИЛОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси,  
Абдувоҳид ТўРАЕВ  
олган суратлар

Халқимиз бу санани инсон хотираси ва қадрга эътиборнинг амалий ифодаси сифатида юксак қадрлайди.

Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани таъминлашда юртдошларимиз кўрсатган жасорат ва хизматларининг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс. Ватандан минглаб қақирим олисларда кечган беаёв жангларда қўксини душман ўқига қалқон қилган, юрт соғинчи ва қадрдонлар дийдорини дилга тугиб курашларда жон олиб жон берган минглаб ўзбек ўғлонларининг матонати юракларда мангу яшайди. Фронт ортида меҳнат қилган, уруш туйғули ота-онасидан айрилган европалик минглаб етим-есирларга бошпана берган, ўзи ва фарзандларининг ризку насибасини ўзгалар билан баҳам кўрган меҳри дарё ватандошларимиз фидойиликлари тоабид унутилмайди.

Хотира ва қадрлаш кунининг бу гал Ижтимоий ҳимоя йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг яқинда эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони кекса авлодга кўрсатилмаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунаси.

Муҳими, халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни ёд этиш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам қарор топмоқда. Тарихдан сабоқ чи-

қариб, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни такрорламай, миллий ўзликини англаган ҳолда музаффар аждодларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлоди эканлигини унутмай яшамоқдамиз. Зеро, бу ёруғ ва дорилмомон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиш, муътабар кексаларимиз дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг қадрга этиш ва шукроналик туйғуларини ҳис этиш бизга катта қувват бағишлайди, руҳимизни поклаб, янгидан-янги бунёдкорликларга чорлайди.

...9 май кун пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Бу ёрга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф бурюдилар.

Майдон узра сокин мусиқа таралади. Миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган маҳаббатли айвон устунларидаги нозик нақшлар кўёшининг заррин нурларида жозибали товланади. Жангтоҳларда жон фидо этган ватандошларимиз номлари "Хотира китоби"нинг зарҳал варақларига мангу муҳрланган. Мотамсаро она кўёфасида гапгузор, айни пайтда улугвор умид намоён. Унинг пойидаги гулхан алангаси уруш хотираларини жонлантиргандек бўлади.

Соат 8.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов кириб келди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий ор-

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

#### ГУЛЛАР ПОЁНДОЗ

Ургангдаги Хотира майдони ҳар кунгидан гавжум. Бу ёрга уруш ва меҳнат фахрийлари, вилоят раҳбарлари, ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари ташриф бурюдилар.

■ Улар ҳарбий оркестр мусиқаси садолари остида Мотамсаро она хайкали пойга гулчамбарлар қўйдилар. Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлганлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром бажо келтирилди.

— Уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамisha халқимиз эъзозиди, — дейди республика фахрийлари ижтимоий қўлаб-қувватлаш «Нуроний» жағғармаси вилоят бўлими бошлиғи Баҳодир Бобоқоносов. — Уларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, оилавий аҳолидан хабар олиш доимо диққат-марказимизда: Йил бошидан буён 200 дан ортик уруш ва меҳнат фахрийларига мамлакатимизнинг турли жойларидаги санаторийларга бепул йўлланмалар берилди.

О. РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Вилоят марказидаги «Ал машриқ» мажмуасида ташкил этилган «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» деб номланган кечага тақлиф этилган отахонлар суронли йилларни яна бир бор ёдга олишди.

■ Иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг ҳар бирида гоҳ маюс, гоҳида фахрий ҳикоятлар бисёрки, уларни жон дили билан тинглаган ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, оталар жасоратига ҳурмат туйғулари янада чуқур илдиз отади. Уз наватиди она юрт уруш кўрган бу фарзандларини бошига кўтариб, қадр-қимматини жойига қўётгани Наманганда ўтказилмаётган Хотира ва қадрлаш тадбирларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Самарқанд вилоят бош бошқармаси уруш қатнашчиларига гавжурлик қилишдек хайрли ишларга бошқош бўлмоқда.

#### Хайрли тадбирлар

■ Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида уруш ногиронларидан 6 нафарига аравача берилгани, қирққа яқин кишига эса турли хил ёрдам кўрсатилгани фикримиз далилидир.

Уруш йилларида ҳаёт жабрини тортган отахону онахонларнинг саломатликлари ҳам доимий назоратда. Масалан, шу йилнинг ўзига 95 нафар кишига сиҳаттоҳларга йўлланма берилди. Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан белгиланган имтиёзлар асосида 1420 нафар уруш қатнашчиси ва ногирон 6 миллион 958 минг сўмлик доридармон воситалари билан таъминланди.

А.САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё вилоятида мингдан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва нурунийларга байрам арафасида ҳоимийлик ёрдами кўрсатилди. Совғасалом ва сиҳаттоҳларда даволаниш учун берилган йўлланмалар кексаларга бир олам қувонч бағишлади.

#### ОТАХОНЛАР ҚУВОНЧИ

■ Сарийосё туманида истиқомат қилаётган уруш қатнашчиси, биринчи гуруҳ ногирони Хуррам Кенжаева ногиронлик аравачаси тортиқ қилинди.

— Президентимиз раҳбарлигида биз, қарияларга алоҳида гавжурлик кўрсатилаётгани қалбимизда чексиз мамнулик ҳиссини уйғотади, — дейди саксон ёшдан ошган Хуррам бобо. — Кексаларга ҳамisha эҳтиромда бўлиш, ўтганларнинг хотирасини пок сақлаш халқимизга хос фази-

лат. Бу эзгу анъана ижтимоий муҳофаза қилиш кўрсатиладиган қувончли тадбирларнинг бири. — Хеч ким эътибордан четда қолгани йўқ, — дейди туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Аҳадулла Тулаев. — Жумладан, Р.Едгоров, С.Беков ва Ж.Шоимов каби нуруний отахонларимиз хонадонларига соғин сугир тарқатилди. Яна ундан зиёд фахрийларнинг йиллари таъмирлаб берилди.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,  
ЎЗА мухбири.





9 — Хотира ва қадрлаш куни

Қадрдонлар гурунги

Фаргона вилоятида "Ижтимоий ҳимоя йили" Даълат дастури асосида нурунийларга бўлган эъзоз янада кучайтирилмоқда. Ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинмоқда. Бу ишларда "Нуруний", "Маҳалла" жамғармаларининг ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг ўрни катта бўлаётди.

Уч авлод учрашуви

Президентимизнинг шу йил 27 апрелда эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш ва 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонлаш мақсадида жойларда кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон мулофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгашида бўлиб ўтган ана шундай тадбирлардан бири "Уч авлод учрашуви" деб аталди. Унда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва "Ватанпарвар" ташкилотининг Тошкент бирлашган техника мактаби курсантлари иштирок этди.

Яхшидан ном қолади

Кўп йиллик самарали меҳнати билан Андижон вилоятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган 350 нафар аёл Бобур номидаги вилоят мусикали драма театрида бўлиб ўтган кечанинг фахрли меҳмонлари бўлди.

Бугун хотин-қизларимиз турли соҳаларда — ўқитувчи, шифокор, олимпиада чемпиони, кўрувчи, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходими бўлиб меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари Андижонда шўхрат қозонган фермерлар орасида ўрناق олма арзийдиган раҳбар аёллар ҳам кўп.



Иродадилар ибрати

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, бундай учрашувлар икки авлод ўртасидаги муносабатларга эришишда сиз ёшларнинг ҳизматингиз мумкин, — деди Миржалол Қосимов тадбирда сўз олиб. — Бунда сиздек ёш авлодга кераклик маслаҳат ва қўрсатмаларни беришга доим тайёрмиз.

"Халқ сўзи" ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ГАЛАБАНИНГ ЎЗИ КЕЛМАГАН

Кексаларнинг ёшларга илгани яхши дуо. Униб-ўсишин, ёмонлик уларга яқин йўламасин, деб алқаймиз. Оғир кунларни биз кўрдик, улар сира кўрмасин, деймиз. Ўқтамхон деган қақажон неварам бор. Энажон, ёшлигини гапириб беринг, дея ҳоли жонимга кўймайди. Тўйиб ўйнамаган болалигим, қошимга ўсма кўйиб-қўймаган келинлик давримни ҳикоя қиламан.

Айниқса, уруш йиллари бошимиздан кечирган кунлар унга худди эртандай туюлади. Жангга кетган 700 дан ортқ ҳамқишлоғимизнинг 228 нафари уйига қайтмаганини гапирсам, бошини сарак-сарак қилади, айтганларимга ишониб-ишонмайди.

Бу отинг ўчгур уруш эр-какка ҳам, аёлга ҳам бирдай заҳматли кечган, дейман ўша уқубатли кунларни эслаб. У бошланган пайтда эндигина ўн олтига киргандим. Авваллари дала ишларида кучимиз етганича қайишиб юрган бўлсак, қишлоғимиз эр-какларнинг кўпчилиги фронтга кетиб, бутун дехончилик қизу жувонлар зиммасига тушгандан сўнг асосий кунга айландик. Кундуз кунлари белимиздан сув кечи, шולי ўтардик. Қоронғи тушар-тушмас ўрилган будойни ташиб чиқиб, хирмонча гарамлардик. Қанча машаққатли бўлмасин, ҳеч ким ўзини четга олмасди. Оталаримиз соғинчи аламини меҳнатдан олاردик.

Ўша йиллари жангчиларга куч-қувват, дармон бўлсин, галабани тезлаштирсин, деб топган-тутганимизни кўш қўлаб, фронтга жўнатганимиз. Масалан, қирқ учинчи йили юкларни жўнатиш учун темир йўл шохбекатига йўл олган арвалардан бирида мен ҳам бор эдим.

Тўғри, бугун буларнинг ҳаммаси тарихга айланди. Уруш келтирган жароҳатлар олисларда қолди. Бирок бир нарса ҳаммиса ёдда туради. Фашизм устидан галаба ўздан ўзи келмаган, балки кўлда қурол тутиб қон кечганлар қаторида фронт ортда жон фидо қилган миллионларнинг фидойилиги эвазига эришилган унга.

Бугунги кунларимизга кўз тегмасин. Қуримиз тинч, осмонимиз мусаффо, истиқлолимиз абадий бўлсин!

Ойпошва РАҲМОНОВА, меҳнат фахрийси. Тўрақўрғон тумани.

Шукроналик

— Хотира ва қадрлаш кунининг нақадар тантанали ўтаётганидан қалбларимиз қувонгача тўлди, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси, пахтакорлик Нурқобил Сапарқулов. — «Нуруний», «Маҳалла», «Меҳр-шавақат ва саломатлик» каби жамғармалар вакилларининг оғи етмаган фахрийлар хонадони қолмади. Мустақил, тинч-осойишта юрда яшайётганимизга шукроналар айтаёلمиз. Утганларни хотирлаб, ҳурматини жойига қўйиш ҳам бурчимиз...

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган уруш ва меҳнат фахрийлари, шаҳар жамоатчилиги эрта тонгдан «Мотамсаро Она» ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Шундан сўнг уруш фахрийлари ва меҳмонлар «Маҳалла маркази»да безатилган байрам дастурхони атрофида тўпландилар. 586 нафар фахрийга байрам совғалари тарқатилди. Пойтахтдан келган ҳамда маҳаллий санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар барчани хушнуд қилди.

Б. САТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Қонун кучга кирди

Мамлакатимиз парламенти юқори палатасининг тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар, ишлаб чиқилган қарорлар жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини такомиллаштиришда ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Қонунларимизнинг айримлари кучга кириб, турмушимизни фаровонлаштиришга хизмат қилмоқда. «Ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам ана шундай ҳаётбахш ҳужжатлардан биридир. Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА бизга айнан ушбу қонуннинг ҳомийлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти ва бу хилдаги фаолиятнинг ҳуқуқий асослари ҳусусида гапириб берди.

— Бу қонун дунёга келишининг ўз сабаблари бор, — дейди у. — Мамлакатимиз Президентини мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» номли китобида «Бозор механизмининг жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилиши керак. Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонларвар, адолатли ҳисобланади. Давлат кишиларга, айниқса, ёрдамга муҳтож бўлганларга, ижтимоий ҳимоя қатламларига, етимлар, болалар, ўқувчилар, нафақасизлар ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиши керак», деб таъкидлаб ўтган эди. Ҳаётимизда бу ўз инъикосини топмоқда. Яъни, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлатимиз ва ҳукуматимизнинг диққат марказидаги асосий масалага айланган. Сўнгги йилларнинг «Меҳмуруват йили», «Сихат-саломатлик йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», ва ниҳоят, «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланган замирида юксак эзгу мақсадлар

ётибди, у ҳам бўлса, фуқароларнинг ҳаётини фаровон этиш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва қадрлашдан иборатдир. «Ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шундай хайрли манбаларга таянади. У 4 та боб ва 23 моддадан иборат. «Умумий қоидалар» деб номланган биринчи боб қонуннинг маънавий, асосий тушунарлар, ҳомийлик мақсадлари ва ҳомийликнинг амалга ошириш ҳуқуқи ҳақидаги 5 та моддадан ташкил топган. Ушбу қонунга мувофиқ, ҳомийлик фуқароларни ижтимоий жиҳатидан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўмаклашиш, оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлашга, оналик, болаликни ҳимоя қилишга ҳисса қўиш, ижтимоий, миллий, этник, диний низоларнинг олдини олиш, фан, таълим маданият, санъат, маърифат соҳасидаги, шунингдек, шахсининг маънавий қамол топишига ёрдамлашчи сингари хайрли мақсадлар учун ажратилади. Бундан ташқари, фуқаролар соғлигини сақлаш ва касалликлар профилактикасига қаратилган тадбирлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, фуқароларга маънавий руҳий ёрдам кўрсатиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолиятга қўмаклашиш кўзда тутилди. Табиий офатлар, экология, террорчилик ҳаракатлари ёки бошқа халокатлар натижасида жабронланганлар ёрдам




Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил 27 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ижтимоий ҳимоя авлод вакилларига кўрсатилган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Айни пайтда мазкур фармон ижросини таъминлаш, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонлаш мақсадида жойларда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Ҳўжакент» пансионатида "Ўзбекистон темир йуллари" давлат акциядорлик компанияси томонидан 300 нафарга яқин уруш ва меҳнат фахрийлари учун байрам тадбири уюштирилди.

ОРОМГОҲДА БАЙРАМ

Тадбир иштирокчилари мазкур пансионатнинг қайта таъмирланган замонавий биноси, дам олувчилар учун бу ерда яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишдилар.

Маросимда сўзга чиққанлар ҳукуматимиз томонидан аҳоли фаровонлигини ошириш, ўтганлар руҳини шод этиш, кексалар, ногиронлар, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишлар кўлами ҳусусида тўхтадилар. Кекса авлод вакиллари ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб, қўнчилиқнинг ҳурмат-эътиборини қозонаётгани, ҳалол меҳнати ва фидойилиги билан ёшларга намуна бўлаётгани таъкидланди. Айниқса ўсиб келаётган авлодни Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда уларнинг ҳаётий таърибаси, панд-насиҳатлари ўзига хос мажлис вазиёси бўлмоқда.

— Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 9 майнинг Хотира ва қадрлаш кунини, деб эълон қилиниши мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида амалга оширилётган кенг қўламли ишларнинг яна бир қўрғини ҳисоблаймиз, — дейди уруш фахрийси Константин Морозов. — Кейинги вақтда



кекса авлод вакилларининг соғлигини мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилганлиги, жумладан, ташкилотчилар томонидан биз, фахрийларнинг ушбу дам олиш масканда саломатлигимизни тиклашимиз учун шарт-шароит яратилгани бешад қувонтиради. Бундай эътибор ва рағбатлик учун Ўртбошимиздан миннатдорمиз.

Тадбирда фахрийлар учун байрам дастурхони ёзилиб, таниқли санъаткорлар ижросида бадиий дастур намойиш этилди.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА мухбири. Мухаммад АМИН олган суратлар.

ҲУНУТМАС МЕНИ БОФИМ...

Мен ушбу маълумотни шунинг учун ёдга олдимки, ана шу марҳум жангчилар орасида раҳматли тоғамиз Шербобо Турсун ўли хам бор эди. Авжи гуллаб-яшнаб турган ҳаётини уруш ҳақдан қилган бу инсоннинг фожияли тақдирини барча қариндош-уруғлар қаторида, менинг юрагимда ҳам ўчмас бир дард, алам ва армон бўлиб яшаб келади.

1945 йилнинг апрель ойи эди. Биз, болакайлар катталарнинг оғзидан гап пойлаймиз. Улар эса аскарларимиз фашистларни қувиб, Гитлернинг хонадонига яқинлашиб қолгани, ҳадемай галаба тўғрисидаги хушхабарни эшитишимиз мумкинлиги тўғрисида гапирарди. Бизнинг ҳрлидагилар эса катта иштиқоқ билан тоғамнинг йўлини пойлашмоқда эди. Аммо, афсуски, қисмат уруғимиздагиларга бошқа қўрулгани раво кўрди.

Уша апрель ойининг ҳовлимизда ярақлаб, яшнаб турган бир кунини узокдаги уруш мусибати, қора кунга айлантди. Қишлоққа тўпчи аскар Шербобо Турсун Венгрия пойтахти Будапештнинг фашистлардан озод қилиш учун олиб борилган ҳаёт-момот жангларидан мардларча ҳалок бўлди, деган муҳдиш хабар келди. Мана шу таб сабаб, ҳовлимизда ноҳақонда қиёмат бошлангандай бўлди. Бирпасда қишлоқдаги бошқа кишилар, аёллар, қариндош-уруғлар ҳам йиғи-

либ келишиб, ҳовли одамларга тўлиб кетди. Ха, ўз ортидан жудаям олисда ўлим топган марҳум жангчи тоғам бугун қишлоқ аза очган эди. Уруш одамзотнинг заволи, бешафқат, ҳар бир қадами касофатли бир ҳодиса эканини мен, болакай ўша кун бор даҳшати билан ҳис эдим.

Бу қулфатли кўндан кейин йиллар кетидан йиллар ўтди. Тўлганой момом Шербобо тоғамнинг урушда ўлганига, барибир, ҳеч-ҳеч ишонгани келмас эди. Моможимиз умрининг сўнги лаҳзаларигача кўнглининг туб-тубида яшайётган бир илнж билан тоғамни кутдилар. Чунонки, марҳум жангчи тоғамиздан ёлғорлик бўлиб қолган кемтик патир ном кенжа Юсуф тоғамнинг уйи тўрида яна анча йиллар, ўша-ўша илрингача турди. Уни девордан олиб қўйишга ҳеч ким ботина олмас эди. Бунинг устига, онам: «Тегинманлар, энам бечоранинг арвоғи безовта бўлмасин!» деб тоғамлар ва келинларга қайта-қайта тайинлар эди...

Ўтган асрнинг 90-йилларида Ватанимиз Истиқлолга эришди. Мустақиллик даврида умуман миллий ўзлигимиз, жумладан, ўтган аждодлар, чунонки, иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотираси мамлакатимизда улкан эъзоз ва эҳтиром топти. Пойтахтимизнинг Бош майдонида Хотира ва қадрлаш мажмуаси барпо этилди.

Ушбу мажмуада, Мотамсаро Она ҳайкалининг икки ёнида бунёдга келган муҳташам айвонларда марҳум жангчиларнинг азиз исми шарифлари зарҳал ҳарфларда битилган «Пўлат китоб» вуждага келди. Бир кун Мустақиллик майдонида келиб, шу пўлат саҳифаларни мен ҳам варақладим. Қашмақ вилоятининг Яқсабоғ туманидан урушга кетиб, ҳалок бўлганлар рўйхатида: «Турсун Шербобо 1921-1945» деган зарҳал ёзувга кўзим тушиб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Шу лаҳзада аскар тоғам бамисоли тирилиб, бу улғу майдонда мен билан худди шундай эди! Ўзимга келгач, «Пўлат китоб» ёнида мармардан тикланган ўриндиққа чўкиб, марҳум тоғамнинг руҳига фотиҳа ўқидим. Орадан бир неча кун ўтиб, қишлоққа бордим-да, қариндошларимга бу тўғрида гап очдим.

Улар жонланиб қолишди. Кейин имкон топган пайтларида, битта-битта мана шу майдонга ташриф этишиб, «Пўлат китоб»дан жангчи тоғамнинг исми-шарифларини излаб топишди ва унинг руҳига кўнгил тило-қадарё вилоятининг Яқсабоғ туманидан урушга кетиб, ҳалок бўлганлар рўйхатида: «Турсун Шербобо 1921-1945» деган зарҳал ёзувга кўзим тушиб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Шу лаҳзада аскар тоғам бамисоли тирилиб, бу улғу майдонда мен билан худди шундай эди! Ўзимга келгач, «Пўлат китоб» ёнида мармардан тикланган ўриндиққа чўкиб, марҳум тоғамнинг руҳига фотиҳа ўқидим. Орадан бир неча кун ўтиб, қишлоққа бордим-да, қариндошларимга бу тўғрида гап очдим.

Улар жонланиб қолишди. Кейин имкон топган пайтларида, битта-битта мана шу майдонга ташриф этишиб, «Пўлат китоб»дан жангчи тоғамнинг исми-шарифларини излаб топишди ва унинг руҳига кўнгил тило-қадарё вилоятининг Яқсабоғ туманидан урушга кетиб, ҳалок бўлганлар рўйхатида: «Турсун Шербобо 1921-1945» деган зарҳал ёзувга кўзим тушиб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Шу лаҳзада аскар тоғам бамисоли тирилиб, бу улғу майдонда мен билан худди шундай эди! Ўзимга келгач, «Пўлат китоб» ёнида мармардан тикланган ўриндиққа чўкиб, марҳум тоғамнинг руҳига фотиҳа ўқидим. Орадан бир неча кун ўтиб, қишлоққа бордим-да, қариндошларимга бу тўғрида гап очдим.

ватларини бағишлашди. Бу саҳифаларни кўзларига суртиб, тавоф қилишди. Шу билан бирга, қариндош-уруғларимиздан кимки бу азиз майдонга қадам ранжиди қилган бўлса, улар Президентимизни, Истиқлолнинг мизини яна ва яна, сидқидилларидан алқамолқадар. Ахир Ўртбошимиз ва Истиқлолнинг иродаси билан мана шу улғу майдон ва ундаги эзгуликлар дунёга келганлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Ниҳоят, Юсуф тоғамнинг уйи тўрида осийлиқ турган, марҳум жангчи-тоғамдан ёддор қолган кемтик патир номни девордан олиб қўйишди.

Чунки бугунги кунда азиз кишимиз, марҳум жангчи Шербобо Турсун ўғлининг номи ва хотираси фақат биз, бир гуруҳ қариндошлари қалбидангина эмас, балки бутун мамлакат ва халқ эъзозининг юксакликларида эканлигини кўриб туришимиз. Бу ном Ватанимизнинг Бош майдонидаги пўлат саҳифаларда зарҳал ҳарфларда абадий ятга муҳрланган. Унинг пойида эса халқ меҳр-муҳаббати ва эҳтирмининг қизгин ифодаси — Мангу олов ёниб турибди ва яллиғланиб тураверди. Бу зияратгоҳдан элимизнинг, шу жумладан, бизнинг зурриётларимизнинг ҳам қадами эинҳор эзилмайди. Бизнинг изимиздан болаларимиз келади. Кейин невараларимиз, эварларимиз, чеварларимиз...

Биз сиз билан тоабд фахрланамиз, азиз ва унутулмас тоғам! Сиз, оддий аскарони она Ўзбекистонимиз ҳаётдан ўтган энг ардоқли сиймола-ри қаторида эъзозлаб, қадр-қимматини эҳтирмининг чўққиларига кўтариб турганлигини кўриб, бизнинг ҳам бошимиз кўкда.

Энди доғу ҳасратингизда бу дунёдан армон билан ўтган раҳматлик Тўлганой моможимизнинг, онажонимиз ва холаларимизнинг ҳам армонли ва андуҳли руҳлари, мамлакатимиздаги мана шундай шарафли ишлар тўйфайли, тамомили ёришиб, абадий таскин ва фароғат топган бўлса, ажабмас. Илоҳим, шундай бўлсин!

Михил САҒАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

З.БОЛИЕВ ёзиб олди.



Истеъдодлар бормисиз, омонмисиз?

Боланинг келажақда ким бўлиши, қайси касбни эгаллаб, қандай феъл-атвор эгаси бўлиши унинг тарбиясига, оиладаги муҳитга боғлиқ. Шунинг учун ҳам, фарзанд тарбияси ота-оналар учун энг муҳим масаладир. Бу вазифага ҳукумат миқёсида эътибор берилмаётгани босиб ҳам шунда.



«ЎЗЛИГИМИНИ КАШФ ҚИЛДИМ!»


Ўзбекистон каратэ миллий федерациясининг аъзоси, кўплаб мамлакатларда ўтказилган мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритган бу йигитнинг сўзлари ҳам ўзига хос. — Президентимиз ташаббуси ва тақлифи билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилиши мен каби минглаб ёшларга катта қанот бағишлади, — дейди Шерзод. — Мен ушбу жамғарма ташкил этилганидан кейин спорт билан шугуллана бошлаган эдим. Федерацияга келиб, бу ерда болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилишидан хурсанд бўлдим. Ҳозир фахр билан айтманки, спортга эътибор тўғрисида мен ўзимни, ўзлимни кашф қилдим. Олдимга шундай мақсад қўйганман: юртимнинг корига яраин, Президентим, ота-онам, устозларим ишончини оқлайин!

Болаларнинг аркин ўсишлари тарафдор экан. Яхши фикр, бироқ ўзидан ошган бундай «эркинлик» ҳаддан зиёд қимматга тушаётгани ҳам бор гап. Масалан, айрим Ғарб давлатларида ўсим йигит-қизларнинг ахлоқи тубанлашуви ҳам шу «эркинлик» сабаб бўлаётти. Буларни айтишдан мурдаси шуки, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор замирида ўсимларни жисмоний тарбия билан банд қилиш баробарида уларнинг маънавий етуқлигини таъминлаш фикри ҳам муҳим. Спортни кенг оммалаштиришда эса ота-оналар, мактаб, боғча, маҳалла фаолларининг ўрни ва роли катта. Улуг ватандошимиз Пахлавон Маҳмуд бир рубойларида шундай деган эди: «Тош кўтариб тошдек оғир бўлдим!». Бобомиз бу гап билан феъл-атвордаги, бошқалар билан муносабатдаги оғир-босиқликни назарда тутганлар. Бундай босиқликни шу кунларда бутун дунёни ўзига қаратган боксинг ўта оғир вазни бўйича жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Руслан Чагаевда ҳам кўриш мумкин. Узининг мардондор интилишлари билан назарга тушган Руслан кўплаб муваффақиятлари қўлга киритди. Бундан етти йил муқаддам Оксаройда давлатимиз раҳбарининг фотиҳасини олган спортчиларимиз катори Руслан ҳам белини янада қаттиқроқ боғлади. У, аввало, Президент тимсолида бутун ўзбекистонликларнинг ишончини оқлади. Руслан Чагаевга бугун ҳам кўлаб келиб, дунё таниди. Унга ўзбекистонлик бокс қироли, дег таъриф беришяпти. Истиклол йўлида дадил одимлаётган юрдагина келажак ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Келажак эса соғлом ва ҳур тафаккури навқирон авлод қўлида. Еш истеъдодларни кўлаб-қувватлаш, уларнинг қобилиятини янада мустаҳкамлашда бекиёс аҳамият касб этувчи болалар спортини ривожлантириш сиёсати эртадан ушунга қўйилган пойдевордир.

Болалар спортига эътибор бор экан, ана шу пойдеворга бир гишт қўйиш орузида юрган ёшларнинг сафи кенгайверади! Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Узлуксиз спорт мусобақалари ҳақида тўхталиб, бундай таъриба бирор мамлакатда йўқ, дедик. Бунга етарли сабаблар бор, албатта. Ижтимоий кузатувлар натижасига кўра, ривожланган давлатлар аҳолиси бугунги кунда



БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР



Норинкапада 62 миллион сўм сарфлаб ажойиб спорт иншооти тиклангандан сўнг кишлоқ болаларининг жони кириб қолди. Улардан 392 нафари уларнинг шундоқ ёнгинасида ўзлари ёқтирган машғулот билан банд. Бу ердаги еттига спорт тўғрисида аъзолари бутун «Умид ниҳоллари» сингари нуфузли мусобақаларда ҳам қатнашяпти. Ҳаққулбод шаҳарчасидаги Усмон Юсупов номи маҳалла ахлининг ҳудуддаги қурилиш ташкилотининг бўш турган ғаражини спорт масканига айлантириш хусусидаги тақлифи барчага бирдай маъқул тушди. Сармояннинг асосий қисмини вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармасига берди. Қолганга ҳомийлар елка туғишди. Қараб турибсизки, бу ерда ҳам кулинг ўргилсин мажмуа барпо этилди. Унинг минни футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, кураш

ва гимнастика хоналарига ҳамма ҳавас билан қарайди. Маҳалланинг ўзидан чиққан мураббийлар шогирдларига юнон-рум кураши, футбол, боксдан сабоқ беришяпти. Қизлар эса бадий гимнастика сирларини ўрганишяпти. 2133 киши истиқомат қиладиган йигин ахлининг 700 нафарга яқини ёшлар. Яқин кунларгача болаларнинг кўпчилиги бекорчиликдан кўча чангитиб юришарди. Энди дарс, уй юмушларидан бўшадими, ўйингоҳга чопишади. Фарзандлари жисмоний чиниқлигини у ёки бу турини маҳкам тутганидан айниқса, ота-оналар хурсанд. Чемпионлар маҳалладан чиқади, деганлари рост гап. Ахир, эндиликда жаҳоннинг биринчи рақамли боксчисига айланиб, олис Германияда Ўзбекистон байроғини дадил хилпиратган Руслан Чагаев ҳам яқиндагина маҳаллани тарбияланётганига ишонч ҳосил қиласан. Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: Усмон Юсупов номи маҳалла болалари машғулотларда.

Зафарнинг 200 - тўпи

Мамлакатимиздаги футбол жамоаларининг етакчи тўпурарлари рақиблар дарвозасига 100 тадан ортиқ тўп киритиб ишқибозлар эътиборига тушмоқдалар. Албатта, бунда Ўзбекистон чемпиони ва кубоги, миллий терма жамоа сафида ҳамда Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида киритилган голлар ҳисобга олинади.



Лекин фақат икки нафар ҳамюртимизгина 200 лик довонни забт этишди. Яқинда «Нефчи», «Пахтакор», «Самарқанд-Д», «Тупалан», «Локомотив» жамоаларида уйнаган Равшан Бозоров 206-тўпини киритган. Қуни кеча «Насаф» ҳужумчиси Зафар Холмуродов ҳам ўзининг 200-голини нишонлади. Эслатиб ўтамиз, Зафар «Машъал» клуби таркибида ҳам тўп сурган.

Баҳобекнинг олтин медали

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўтказилган йирик халқаро турнирда ҳамюртимиз Баҳобек Янгибоев (74 кг.) олтин медални қўлга киритди. Бошқа вазн тоифаларида Жанубий Корея, Қозғоғистон ва Қирғизистон давлатлари вакиллари совриндорлар сафидан жой олишди. З.ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Волейболчи ўсимлар баҳси

Наманганда волейбол бўйича ўсимлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати мусобақалари низоҳасига етди. Унда мамлакатимизнинг беш вилояти ва Тошкент шаҳри терма жамоалари беллашдилар. Еш волейболчиларнинг барчаси бош соврин учун мурасасиз баҳс олиб боришди. Пировавда, омад мезбонларга кулиб боқди ва наманганликлар мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритишди. Шохсупанинг кейинги ўринлари Тошкент шаҳри ҳамда Андижон вилояти терма жамоасига насиб этди. Ўз мухбиримиз.

Майдонда фахрийлар

Пойтахтимизда футбол бўйича фахрийлар ўртасида ўтказилаётган Тошкент шаҳри чемпионатида иш тўртта жамоа голиблик учун кураш олиб бормоқда. Чемпионатнинг дастлабки турида еттига учрашувдан фақат биттасида дураник натижа қайд этилди. «Динамо» ва «Фахр» футболчиларининг кучи тенг келди - 3:3. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Ўзнефтьгаз» — «Алгоритм» 3:1, «Старт» — «Метрострой» 3:1, «Солиқчи» — «Бектеми» 3:0, «Шайхонтоҳур» — «Юнусобод» 2:0, «Эски шаҳар» — «Икτισодчи» 1:6, «Яккасарой» — «Тошгефест» 0:5. (ЎЗА).

КЎРКАМЛИҚДА ҚИЁСИ ЙЎҚ

Андижонда ёшларнинг спортга жалб этиш ҳамда унинг моддий-техника базасини такомиллаштиришда эришилган таърибани мамлакатда кенг оммалаштиришга бағишланган республика кўргазмалари ўқув-семинари бўлиб ўтди. Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган спорт мураббийлари, мутахассислар болалар спортини иншоотларининг намунавий лойиҳалари, Олтинқул, Баликчи, Улғунордаги замонавий спорт мажмуалари фаслияти билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, спорт иншоотларини тиклаш жараёнида техник назоратни ташкил этиш, залларнинг ёнчи поли ўрнига замонавий сунъий тўшамалар қўлиш борасидаги илғор таърибалар билан ўртоқлашдилар. О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНING «АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АГЕНТЛИГИ» МЧЖ

2007 йил 12, 19, 26 июнь кунлари Ўзбекистон банклари ассоциациясининг биносидан соат 12.00да аукцион савдоларини ўтказида. Аукцион савдосига қуйидаги мулк қўйилмоқда: Андижон вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 10 августдаги 17-0506-2793-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Навоий шохқўчаси, 35-ўйда жойлашган «OLTIN DERI» МЧЖ шақлидаги ҚҚга тегишли мулклар. Бошланғич баҳоси — 1 971 749 000 сўм. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда зақалат пули тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва зақалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Шунингдек, ушбу мулк белгиланган савдолар кунда сотилмаган тақдирда, хар хадфанинг сешанба кун қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев к., 1-уй. Телефонлар 138-69-70, 138-69-93.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Advertisement for GAZ cars in Uzbekistan. It lists various models like GAZ-3221, GAZ-31105, GAZ-33023, GAZ-3307, GAZ-2705, GAZ-3309, GAZ-3307, and GAZ-3302. It also includes contact information for the distributor and a list of services offered.

Advertisement for Minsk Automobile Plant (MAZ) featuring a truck and the text: «MAZ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобиллари (автобуслари) ва улар негизда тайёрланган махсус техникалар (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилги ташувчилари) тақлиф этади.

Advertisement for Minsk AMKODOR Plant featuring a loader and the text: (Минск шаҳридаги собик «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичлари (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, кишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни тақлиф этади.

Advertisement for Uzbekistan Republic State Agency for Technical Assistance (DAVLAT BOJXONA QUMITASI) with contact information: Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Advertisement for the State Agency for Technical Assistance (DAVLAT BOJXONA QUMITASI) with contact information: Манзил: Тошкент ш., «Ўзбекистон» шохқўчаси, 3-уй. Тел.: 120-76-00, ички тел.: 20-19.

Advertisement for the State Agency for Technical Assistance (DAVLAT BOJXONA QUMITASI) with contact information: Манзил: Тошкент ш., «Ўзбекистон» шохқўчаси, 3-уй. Тел.: 120-76-00, ички тел.: 20-19.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, featuring the text: Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Advertisement for 'Boш муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ' with contact information: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Advertisement for 'Шарқ' newspaper with contact information: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 16.00 Топширилди — 18.55 2 3 4 5 6

Advertisement for 'MANZILIMIZ' with contact information: Манзилимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — М. Холматова. Навбатчи — М. Жонихонов. Мусасхас — Ш. Манраббоев.